

ҚАДИМГИ ХОРАЗМ ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИ ТАРИХИДАН

Бухажал Алимовна Юнусова
Андижон давлат университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада, милоддан аввалги IV асрдан милодий I асрга қадар бўлган давр мобайнидаги Қадимги Хоразм шаҳарсозлик маданиятининг ривожланиш босқичлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Кат, Аёзқалъа, Бурлиқалъа, Гавхўра, Говурқалъа, Ақчахонқалъа, оташгоҳ, пахса, ғишт, шинак, Тупроққалъа, Тошхирмон.

ABSTRACT

In this article, the stages of development of the ancient Khorezm urban culture during the period from the IV century to the I century AD have been covered.

Keywords: Kat, Ayozkala, Burlikal'a, Gavkhura`, Govurkal'a, Akchakhonkal'a, fire, pakhsa, brick, shinak, Toprakkal'a, Toshkhirmon.

КИРИШ

Республикамиз мустақилликка эришгач, ўзига хос тараққиёт йўлини танлаб олди. Ўзининг бой қадимий тарихини тиклаш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар Ўзбекистоннинг қадимий тарихга эга эканлигини бутун дунёга намойиш этмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мустақиллигимиз шарофати билан археология фанига ҳам катта эътибор берилиб, айниқса Қадимги Хоразм шаҳарсозлиги алоҳида аҳамият касб этади. Султон Увайс тоғининг жанубидаги Аёзқалъа комплексидан 6 км ғарбда Бурлиқалъа ёдгорлиги жойлашган. Антик даврда Гавхўра каналидан Қаватқалъа яқинида Бурлиқалъа томон суғориш иншооти қазилган. Бурлиқалъа ана шу воҳани ҳимоя қилиш вазифасини бажарувчи давлатнинг шимолий чегара қалъалари тизимиға кирган. Шаҳар мураккаб конфигурацияга эга бўлиб, шимолий - шарқдан жанубий -ғарбга чўзиқ шаклда қурилган. Қалъанинг энг узун жойи 120 м, кенг жойи эса 95 м ни ташкил этади. Ташқи деворда найзасимон шинаклари кўп.

Аммо девор Жонбосқалъадаги сингари бурж ва минораларга эга эмас. Шаҳар дарвозаси қалъанинг шимолий қисмида жойлашган. Шаҳарнинг шимолий қисмида $5,2 \times 5,9$ м ўлчамдаги қурилиш қолдиғи сақланган бўлиб, С.П.Толстов уни диний маросимлар ўтқазадиган бино – “оташгоҳ” ёки минорасимон иншоот деб номланган еди. С.П.Толстов Бурлиқалъани мил.авв. IV – мил. I асрларга, Я.Ғуломов эса сўнгги қанғуй даврига оид деб ҳисобланган. Сўнгги йиллардаги стратиграфик тадқиқотларнинг умумий таҳлили Бурлиқалъа мил.авв. IV –III асрларда бунёд этилиб, унда ҳаётнинг иккинчи марта қайта жонланиши милодий I-IV асрлар тўғри келишини кўрсатади.

Султон Увайс Говурқалъаси - Султон Увайс тоғидан 1,5 км жанубда жойлашган. С.П.Толстов Говурқалъани Кушон даври, Я.Ғуломов эса янада аникроқ қилиб II – III асрлар билан белгилаган эдилар. 1951 – 1952 йиллардаги тадқиқотлар якунида ёдгорликда ҳаёт мил. авв. II асрдан сўнгги кушон даврига қадар давом этган деган хulosага келинади. 1962 йилда В.Н.Ягодин ёдгорликни ўрганиб ундан мил.авв. IV асрга оид материалларни топади. Қалъанинг тарҳи шимолдан жанубга чўзиқ, учбурчаксимон трапеция шаклида. Шимолий деворнинг узунлиги 200, шарқий деворники 450, гарбий деворнинг жанубий қисмини Амударё ювиб кетган бўлиб, дарё бўйлаб 40 – 100 м масофада сақланган қисмининг узунлиги 400 м ни ташкил этади. Бизнинг давримизгача ёдгорликнинг фақат шимолий – гарбий қисми сақланиб қолган. Истеҳком қўшдевор билан ўраб олинган. Шаҳарнинг ички қисмида девор бўлиб, у шаҳарни икки қисмга ажратиб туради.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Қалъанинг жойлашган ўрни дехқончилик воҳаси ёки карvon йўллари кесишган жой бўлмаганлигини кўрсатади. Шимол томондан келган душман Хоразм воҳасининг марказий қисмига факат ушбу қалъа мудофаасини ёриб ўтгандан кейингина кира олиши мумкин бўлган. Ғарб ва шарқ томондаги табиий тўсиқ яъни Амударё ва Султон Увайс тоғлари душманни шунга мажбур қилган. Шу жиҳатдан Говурқалъа Хоразм давлатининг муҳим шимоли чегара қалъаси бўлган деб хулоса чиқаришимиз мумкин.

Ақчахонқалъа-Беруний туманидаги Тошхирмон воҳасида жойлашган бўлиб, Тошхирмон бевосита Амударёдан сув оловчи катта бир каналга бирлашган мураккаб, сертармоқ суғориш тизими орқали ўзининг сувга бўлган эҳтиёжини қондирган. Ҳозирги вақтда айrim жойлардагина излари сақланиб қолган ушбу канал

мазкур суғориш тармоғи тизимиға кирған бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бу тизим таркибида милодий II-III асрларда Хоразмшоҳлар қароргоҳи-Тупроққалъа ҳудудини сув билан таминлаб турган ва ўрта аср манбаларида Гавхорэ номи билан қайд этилган канал, шунингдек милодий IV асрдан бошлаб Кот шаҳри ҳудудини суғорган Кот канали ҳам бўлган. Тошқирмон ва Гавхорэ каналлари умумий бир манбадан сув олиб, Думанқалъа кўхна шаҳари яқинида иккига бўлиниб кетган. Яъни Тозабоғёп каналининг катта бир тармоғи Тупроққалъа канали бўлиб, у Думанқалъа ёдгорлигидаги иккита тармоққа ажralади, булар Тошхирмон канали ва Гавхорэ канали. Тупроққалъа шахрини Гавхорэ канали сув билан таминлаган, Тошхирмон канали эса Ақчахонқалъа ва Тошқирмон ҳудудини сув билан таъминлаган. Кот канали Амударё ўзанидан сув олиб, Кат шахрини сув билан таъминлаган. Ачаҳонқалъа тахминан Кат шахридан 15 чақирим шимолроқда жойлашган. Бинобарин, фақат Ақчахонқалъа кўхна шаҳаригина Хоразмнинг қадимий пойтахтилигига даъвогар бўлиши мумкин. Унинг Амударёга анча яқин жойлашганлиги (20 километр масофада) у қадимги Ҳиндистондан Амударё, Узбой ва Каспий бўйлаб Яқин Шарқ мамлакатлари ҳамда Шимолий Қораденгиз бўйига ўтувчи сув йўлидаги энг йирик савдо марказларидан бири бўлган. Амударё бўйи қуруқликдаги савдо йўллари ҳам Ақчахонқалъа шаҳри орқали ўтган. Қадимги Хоразмнинг бошқа йирик археологик ёдгорликлари орасида қалъанинг алоҳида мавқега эга эканини қўрсатадиган муҳим белгилардан бири унинг мустаҳкам ташқи девор билан ўралганлигидир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган ёдгорликлар Амударёнинг ўнг қирғоғидаги қадимги дехқончилик воҳасининг мустаҳкамланган йирик пунктлари бўлиб, улар қадимги тошқин сувлари ҳавзасида ва бу воҳанинг шарқидаги магистраль канал ҳавзасида жойлашган. Амударё ўнг қирғоғи қадимги суғорилган ерларининг умумий тарихий топографик кўриниши Хоразмнинг ижтимоий ҳаётида бўлиб ўтган катта ижтимоий- иқтисодий ўзгаришлардан дарак беради.

REFERENCES

- Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Т.,Изд-во АН Уз 1957
- Толстов С.П. Древний Хорезм.М.,1948.С.115.

3. Толстов С.П. По древним дельтам древнехорезмийской цивилизации. М.,1948.С.101.
4. Ходжаниязов F. Қадимги Хоразм мудофаа ишшоотлари.Т.,2007.54-55б.
5. Ягодин В.Н.,Беттс А. Қўҳна Хоразм жумбоқи. //Фан ва Турмуш //№1-3, 2006. 29-30б.